

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМИ

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 4 (5. 895) • 1986 йил 6 январь, душанба • Баҳар 3 тийин.

КПСС XXVII съезди

ЯНГИ ЙИЛДА ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАЙЛИК!



ВETERАН НАМУНАСИ

Р. Сирожидинованинг Тошкент асбобсозлик заводида силлиқловчи бўлиб ишлаётганига йигирма йилдан ошиб кетди. Ана шу вақт ичида у ўз ихтисослигини мукаммал ўзлаштириб олди, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланадиган бўлди. Бу илгор ишчининг меҳнат унумдорлигига таъсир этмай қолмади.

ди. Ҳозир у смена топшириқларини мунтазам 120—130 процентага етказиб адо этмоқда. Унинг қўлидан ўтган деталлар биринчи тақдирда қабул қилинади. Зарбдор ва ҳалот меҳнати, жамоавийлик ишларида фаол иштироки учун Р. Сирожидинов «Хурнат Белгиси» ордени билан мукофотланган. Тошхирларга

ИЛГОРЛАР САФИДА

Тошкентдаги 2-ўйсолик комбинатининг 60-қурилиш бошқармасига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ ордени номидори Вакил Солиқзанов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси «Гавташкентстрой» қурилиш бошқармалари орасида энг илгор коллективлардан саналади. 18 кишидан ташкил топган бу бригада аъзоларининг ҳаммаси бир неча ўнлаш касбларни ўзлаштириб олишган. Коллектив Шлобин методи асосида ишлаб, кунлик нормани ортири билан адо этмоқда.

Бугунги кунда бригада графикадан бир ой ўзган ҳолда Ипподром ва Гайдар йўллари бўйлаб иккунга қараб 80 оилга мўлжалланган тўққиз қаватли бинода қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. Айниқса, А. Яшин, А. Дуранов, Д. Мирсоатов каби ишчилар намуна кўрсатишмоқда. Бу илгорлар шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти. Коллектив сўзед шарофига меҳнат вақтасида туриб ишлаб улкан анжуман очилдиган кунгача биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилди. М. ФЕЛЬДМАН.

ЛИБОС КЎРКИ

Либосларимиздаги металл тугмача арзишган нарсасга ўхшаб кўринади. Лекин бу ўйом-ий тайёрлаш учун ҳозирги пайтда автоматика ёрдамига келяпти. Улар орасида пресслаш ускуни ва автомат дастгоҳлар бор.

Экспериментал фурнитураластмас заводда янги йилдан бошлаб замонавий янги ускунани монтаж қилишга киришади. Ҳозирда жиҳозларнинг ва пойдеворини тайёрлаш ишлари олиб боришмоқда. Янги линиянинг қуввати йилга 50 миллион донга металл тугмача тайёрлашдан иборат. Шундан кейин корхона республикадаги трикотаж ва кўнгалентерия, тикув корхоналарини фурнитурга буюмлари билан етарлича таъминлайди.

СУХБАТЛАР, ЛЕКЦИЯЛАР

В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг жанговар ва меҳнат шухрати музейи партиянинг съездолди ҳужжатларини пропаганда қилишга бағишлаб хилма-хил тадбирлар программасини амалга оширмоқда.

Бу ерда ёшларнинг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан, машхур меҳнат сулоалари вакиллари билан учрашувлари ва суҳбатлари бўлиб ўтди. Социалистик Меҳнат Қахрамони, йигувчи-слесарь Н. Маннопов, СССР Давлат мукофоти лауреати, презерчилар бригадари И. Васанец, Расуловлар меҳнат сулоласи вакиллари ва бошқалар корхонанинг тарихи тўғрисида, съездолди социалистик мусобақаси ҳақида, бирлашманинг эртанги кунни тўғрисида гапириб бердилар. Умрининг қирқ йилдан кўпрогини самолётсозликка бағишлаган меҳнат ветерани А. Данилов ва ўз лекцияларида съездолди даврда авиасозлар ҳаётида рўй берган социал ўзгаришларга, коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш режаларига катта эътибор берди.

Умри боқий дўстлик

ЎЗБЕК КИНОСИ ШУХРАТИ

КИЕВ. (Телефон орқали). Украина пойтахтидаги бир қатор кинотеатрларда «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган «Келинлар кўзголи» бадиий фильми муваффақият билан намойиш этилмоқда. Шу ҳафта Киев шаҳар кинотеатрлари бошқармасининг бошлиғи Эмилия Андреевна Панченко бундай деди:

—Украин томошабинлари ўзбек киноси асарларини ҳақиқат севиб кутиб олишади. Шу кунларда экранларимиздан ўрин олган «Келинлар кўзголи» комедия фильми томошабинларга манзур бўляпти. Картина «Братислава», «Алмаз», «Украина», «Киев», «Россия», «Славутин» кинотеатрларида муваффақият билан кўрсатиляпти. Ҳамма нолми ўзбек Давлат академик драма театрининг бир қатор истеъдодли актёрлари ижросида яратилган бу картина ўзининг қувноқ воқеалари билан қардош ўзбек биродарларимизнинг урф-одатлари, характерлари ҳақида ҳикоя қилади. Фильм ҳақида «Вечерний Киев», «Прапор коммунизма» газеталарида мақолалар ҳам босилиб чиқди. Кинотеатрларда эса киношунасларнинг бугунги ўзбек киноси ҳақидаги суҳбатлари ташкил этилди. Ушбу фильм орқали биз қардошларимизнинг бугунги иқодий ютуқларидан яна бир марта баҳраманд бўлдик.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Совет ҳукуматининг таълифига биноан Польша Бирлашган илчи партияси Марказий Комитети Снэйсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснер шу йил январь ойининг ўрталарида расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келади.



ИШОНЧ

1985 йил Андрей Спичаков учун ҳақиқий маънода ишонч ва умид йили бўлди. Катта таърибга эга бўлишга қарамасдан корхонада ўтказилган «Ўз касбининг устаси» кўрик-конкурсига иштирок этди. Мақсад корхонадаги энг моҳир, ишчи тез ва сифатли бажарадиган слесарни аниқлаш эди. 18 ишчи бир вақтнинг ўзида тошхирини бажаришга киришди. Уларнинг меҳнат шайроғи, дастгоҳлари бир хил эди. Талабчан жюри аъзолари одил ҳулоса чиқаришди. Кам вақт сарфлаб кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашга эришган Андрей Спичаковни бирлашмадаги энг яхши слесарь деб эълон қилишди.

Гувоҳномани кўлга олаётганида ўсимирлик йиллари кўз олдида гавдаланди. Ушунда ҳам шундай ҳаяжонланган, устознинг ҳаракатларини қандайдир бир ички туган билан қузатган эди. Шогирдлик узоққа бормасди. Армия сифиде чиникқанлиги учун касб силриларини тезда ўзлаштириб олди. Кейин унга жиддий тошхирларни бера бошлашди. Ҳаммасини удавади. Касбдошларнинг унга меҳри янада ортиди. Жамоат тошхирларини бажаришда активлик кўрсатганлиги ҳамда ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлари учун катта ҳурмат кўрсатилди — уни КПСС аъзоллигига кандидатликка қабул қилишди.

«Ҳозир Андрей Владимирович Спичаков «Таштекстильмаш» заводидаги асбобсозлик цехи бошланғич партия ташкилотининг секретари. У бу вақтнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бажаради. Коллективдаги ҳар бир ишчининг яхши танийди. Умумдорликни ошириш муаммоларини ҳал қилиш учун кимлар билан маслаҳатлашиш кераклигини тушунади. Шу боисдан ҳам ёшларга талабчан устоз бўлса, тажрибали ишчиларнинг тенгдоши сифатида дил очиб сўзлашади. Бу коллективдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаб ютуқларни бойитишга сабаб бўлмоқда.

Партия ташкилотининг секретари ишда, турмушда, жамоат тошхирларини бажаришда ҳамма олдинги сафда бориши кераклигини қалбдан ҳис қилади. Демак ўргатиш, излаш, топиш, жорий этиш керак. Бу унинг асосий шiori бўлиб қолган. Шу боисдан ҳам слесарлик касби бўйича ўтказилаётган турли кўрик-конкурсларда қатнашишни шарафли бурчи деб тушунади. Чебоксари шаҳрида ўтказилган Бутуниттифок кўрик-конкурсига тажрибали ишчилар қатнашди. Уларнинг олдида қўйилган талаб анча мураккаб эди. Замонавий техника ва технологияни қандай билиши, уни турмушда қўллаш олиши синавдан ўтди. Бу сафар ҳам тадбиркорлиги, чакқонлиги,

иш жараёнида юз берган қийинчиликларни дарҳол бартараф этиш қўниқмаси иш берди. Энг яхши натижага эришганлиги учун яна «Ўз касбининг устаси» деб тан олинди. Киев шаҳрида мамлакат тўқимачилик саноати корхоналарининг ишчилари ўртасида ўтказилган Бутуниттифок кўрик-конкурсига Андрей Спичаков учинчи марта меҳорат намоиш этди. Конкурсад бутун мамлакатимиздан 34 слесарь иштирок этди. Улар фақат ўз корхоналарининггина эмас, республикаларини шарафини ҳимоя қилишди. Андрей Спичаков ана шу жиддий синавда учинчи ўринни эгаллаб, ўз касбининг мукаммал билишини яна бир марта исботлади.

Унга яна катта ишонч билдирилди — XXII Тошкент область партия конференциясига делегат этиб сайланди. — Бу нхоятда катта ишонч дир, — дейди А. Спичаков. — Демак, иланишни давом эттиришим керак. Корхонада фан-техника ютуқларини жорий этиш асосида ишлаб чиқаришни интенсификация бош вазифа бўлиб турибди. Уни удадалашга партия ташкилоти етакчиси ва ишлаб чиқариш илгори сифатида муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

М. ОТАХОНОВ.

СУРАТДА: «Таштекстильмаш» заводи слесари А. Спичаков.

Ҳамшаҳарлар, Силар учун

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТИБ

«Г л а втшассавтотранс»нинг экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонасида ҳозир 250 т а енгил такси машинаси бензин ўрнига пропан-бутан газ билан йўловчилар ҳолатини чиқармоқда. Етти йил мобайнида бу ерда бир миллион 800 минг сўмлик бензин иқтисод қилинди.

Автокорхонада машиналарнинг газ билан юриши

муваффақиятли адо этилмоқда. Шун айтиш кераклики, янгиланган ўзини оқлади. Бугунги кунда корхонанинг деярли ҳар бир ҳайдовчиси ана шундай машиналарда йўловчилар ҳолатини чиқаришда меҳнатларини дам олишлари ҳақида ҳам қайғуриб уларга барча қулайликларни

яратишмоқда. Корхонанинг санитарий-профилактика бўлими яна 50 ўринга кенгайтирилмоқда. Бу ерда массага, сув билан даволаш бўлими ҳам ишга тушади. Янги йилнинг биринчи йили йилда 100 ўринли янги ошхона фойдаланишга топширилади. Белгиланган режаларнинг амалга оширилиши меҳнат унумдорлигини ошириш, янги беш йилликда коллектив олдида қўйилган вазифалар бажарилишига замин яратяди.

АВТОБУСЛАР ГАЗ БИЛАН ЮРАДИ

Яқинда Львовдан шахримизга 30 та «ЛАЗ—695 НГ» маркали газ билан юрадиган машиналар келтирилди. Бундай машиналар Киев, Ленинград, Львов шаҳарларида тажрибадан ўтказилган.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврда мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасидан ҳам худди шундай машиналар

транспортда кенг қўлланилиши таъкиқланган. Бундай янги автобусларни бизнинг шарафига тажрибадан ўтказиш шахримизда 2519-автокотловна шоферлари зиммасига топшириди. Бугунги кунда Ўзбекистон СССР Автобуслар транспорти министрлигига қарашли автохўжаликларда газ билан юрадиган машиналар сон 1300 тага етди.

ДЎСТАЛИК МЕҲРИ

Бундан йигирма йил муқаддам москвалик мактаб ўқувчилари яхши ташаббус билан чиққан эдилар. Мамлакатимиз қахрамон шаҳарлари ва катта шаҳарларидаги 21-мактаблар ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини боғлаш юзасидан бошланган ажойиб ҳаракатга Тошкентдаги Олим Хўжаев номи мактаб ҳам яқдллик билан

қўшилган эди. Хайрли иш кенг қулоч ёйди. Бу билим ўчоғида интэрнационал дўстлик клуби ташкил топди. Клуб аъзоларининг ибратли ишлари бундан беш йил олдин мамлакатимизнинг турли бурчақларидан республикамиз пойтахтига келган 21-мактаблар талабаларида яхши таассурот қолдирди.

ПУХТА ИЗОЛЯЦИЯ МАТЕРИАЛИ

Фан ва техникада эришилган ютуқлар кўпгина янги материалларни ишлаб чиқаришга ва уларни мақсадга мувофиқ соҳаларда ишлатишга боғлиқ бўлади. Шундай материаллар қаторига синтетик спонда-фторфлогопитлар синтез қилинишига қадар юқори ҳароратда ишлайдиган, ўзида спонда тутган электроизоляция материалларининг ишлаб чиқарилиши қийин эди.

Фторфлогопит электропечларда оксидлар ва фторидлардан иборат бўлган кўп компонентли массаларни секин-аста совутилиб, суяқ ҳолатдан кристалл ҳолатга ўтказиб олиняди. Фторфлогопит асосида тайёрланган материаллар узоқ вақт давомида юқори ҳароратда ҳам, турли хил муҳитда ҳам, ўзининг электрик ва механик хоссаларини сақлаган ҳолатда хизмат қилади.

М. АСОМОВ. Тошкент, Давлат университетининг полимерлар проблемаси лабораториясининг мудири, доцент.

Қардошларимиз учун

Мамлакатимиз халқлари Советлар диверди тинч ва осойишта яшашмоқдалар. Қардош халқларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Бизда бошқа кулфат тушган дўста қўлини турмушимизнинг ооддий қонуни бўлиб қолди. Бу нарсга Тожикистон ССРнинг Қайроқум районидagi қизил-лаван зарар кўрган аҳолига Совет Иттифоқининг барча

Хозир Киров район ярим ой жамиятининг 235 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Улардаги аъзолар миқдори 95 минг кишини ташкил этади. 1985 йилда Қизил ярим ой жамияти аъзолари жами 18417 сўм пул тўпладилар. 820 киши инсон саломатлиги учун қон топишди. Шу кунларда район аҳолисини умумий медицина қўриғидан ўтказиш қизилинган давом этмоқда. Жамият аъзолари бу ишда ҳам фаол иштирок эттишмоқда.

Х. ТОЖИМАТОВ.

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Бутун ер юзидagi кишилар янги йилни истиқболга ишонч билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тинчлик йили деб, эълон қилган 1986 йил тинч ўй йилликларга айланади, инсоният ХХI асрга тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик шариатида қадим қўяди деган умид билан кутиб олдилар. Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари, унинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, халқаро муносабатларни соғломлаштиришга, ўзаро ҳамиятнинг, ишонч ва қўрсатиланишга олиб борадиган йўллари қидириб топишга қаратилган актив куч-қайратлари миллион-миллион кишилар қалбига ишонч ва умид бағишламоқда.

Турли мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқини, унинг Америка Қўшма Штатлари халқига мурожаатини ва

Катта Лондон кенгашининг раҳбари К. Ливингстоннинг мурожаатига қайтарган жабоини юксак баҳоламоқдалар. М. С. Горбачевнинг Янги йил мурожаати, деб ёзади Чехословакиянинг «Руде право» газетаси, умидворлик, социализм ва бутун тинчликсевар инсониятнинг битмас-тутанмас куч-қудратига чуқур ишонч билан сўзлаган. Мурожаатда халқ

аро муносабатларда маърифатли асрийин одамларига хос маданийликни бағишлаш, инсоният узра пайдо бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш вазифасини фарзандларимиз зиммасига юклаганлигиндан иборат аниқ равшан ва олижаноб мақсад ўртага қўйилган.

Совет Иттифоқи Женевада бўлиб ўтган Совет—Америка учрашувида вужудга келган яхши истиқболга ишонч воқеликка айланиши учун қатъий билан иш олиб боришни маълум қилади, деб ёзади ГСБП Марказий Комитетининг органи «Нойес Дойчланд» газетаси. Ҳаёт, деб таъкидлайди газета, Ерда ядровий қуролланиш пайгасини тўхтатиш ва шундай пойганинг космосга ёйилишининг олдини олиш йўлида боришни баралла ва қатъийан талаб қилмоқда.

Ядросиз зона учун кураш ҳаракати — бу идеалистик хомхаёл бўлмай, балки оддий кишиларнинг тинчликка, ҳамкорлик ва кескинлигини юмшатишга бўлган хоширодамсининг ифодасидир, деб таъкидлайди Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетаси.

Совет раҳбари қақли равишда таъкидлаганидек, ҳозирги дунёда қуролланиш янги турлари ҳисобига ўз хавфсизлигини мустаҳкамлашга эришни мумкин, деб



ХАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

Партиянинг съездолди
ҳужжатларини муҳокама
қиламиз

Сўз-партия ташкилоти секретарига

Йўлчи юлдузимиз

КПСС Марказий Комитетининг октябр (1985 йил) Пленуми маъқуллаган съездолди ҳужжатлари — КПССнинг янги таърирдаги Программасы, таклиф этилаётган ўзгаришлар билан КПСС Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари биз, совет кишилари учун ёрқин программа, йўлчи юлдузимиз ҳисобланади. Бу ҳужжатлар беқиёс сиёсий аҳамиятга эгадир.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида партиянинг иқтисодий стратегияси ўзининг ёрқин ифодасини топади. Жамиятимизни ривожлантиришнинг жадаллаштириш, халқ фаровонлигини янада ошириш режаларини кўзда тутиш бу ҳужжат ҳар бир совет кишининг манфаатига мос бўлиб тутади.

Бизнинг корхонамизда, шу жумладан, цехимизда партиянинг бу муҳим ҳужжатлари кизгин муҳокама қилинди. Бу муҳокамада чоғида ҳар бир ишчи ва хизматчи, инженер-техник ходим ўз дилданги фикрларини айтишга интилади. Ҳаммамнинг фик-

ри бир жойдан чиқди: партиямиз мамлакатимизни жадал ривожлантиришнинг улкан ва гоётда аниқ режаларини белгилаб берган экан, бунинг амалга оширишга биз ҳам имкон борича кўпроқ ҳисса қўшимиз зарур. Шунинг учун ҳам коллективимиз Асосий йўналишлар лойиҳасининг Ўзбекистон ССРга бағишланган қисмида «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси қувватлари қурилиши низоҳати етказилсин» деб ёзиб қўйишни ақдидлик билан маъқуллади.

Нега биз ана шундай фикрга келдик. Сабаби шундаки, пахтакор-республика-миз механизаторлари биздан юқори унумли, чидамли ва аёло сифатли тракторлар кутаяпти. Пахтачиларини ва умуман деҳқончиликни янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, қишлоқ Асосий йўналишлар лойиҳасида белгилаб берилган режаларини амалга оширишда бизнинг корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳам муайян даражада роль ўйнайди. Юз от кучига эга бўлган янги тракторлар ишлаб чиқариш аса ана шу талабларга жуда мос тутади. Бутун корхонамизда бўл-

гани сингари цехимизда ҳам шу кунларда «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шiori остида муносабат тобора кенгайиб борапти. Бизнинг механика-йигув цехимиз корхонамизнинг ийрик ва етакчи цехларидан бири ҳисобланади. Биз бунинг учун ҳам коммунистлар етакчилигида иш самардорлиги ва сифатини тобора оширишга интиляимиз. Коллективимиз ҳар қандай мураккаб ва катта вазифаларни бажаришга қодир. Хеч шубҳа йўқки, партиямиз Марказий Комитетининг октябр (1985 йил) Пленуми белгилаб берган янги, муҳим вазифаларини ҳам шараф билан адо этишга муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Аскар Мамитов, Вера Марковна Харитоновна, Сергей Егоров сингари коммунистлардан цехимизнинг барча коммунистлари, бутун коллективни намунга олмоқда.

XXV Тошкент шаҳар партия конференцияси ҳар биримизнинг олдимида гоёт конкрет вазифа қўйди. Бу белгилаб берилган марраларга эришиш учун эър ғайрат билан унумли меҳнат қилиш кераклигини цехимизнинг ҳар бир аъзоси қалби ва онига синдириб қўйди.

В. СОТНИКОВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси 7-цехи партия ташкилотининг секретари.

Таклифларимиз

ҚУДРАТИМИЗ— БИРЛИКДА

Ривожланган социализмнинг қарор топиши билан синфий тафовутларни бартараф этиш, социал-иқтисодий жиҳатдан бир маслақдаги жамият вужудга келишига замин яратилди. Барча халқлар, миллат ва элатларнинг, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг манфаатлари ва иқтисодий-иқтисодий-иқтисодий муносабатлар мустақамланди ва таркиб топти. Совет Иттифоқи Коммунист партиясининг янги таърирдаги Программасы лойиҳасининг иккинчи қисм учинчи бўлимидаги «Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бир-бири билан яқинлашуви», жумладан кейин «Уларнинг меҳнат жараёнининг уйғунлашуви бир-бири билан мувофиқлашиб ишчи-деҳқон меҳнатини фан-техника ютуқлари асосида ялли сановатлаштириш иборалари киритилиши ахши бўларди. Шу жумладан «Муҳим қонуниятлар» сўзлари ўрнига «Муҳим қонуният бўлиб қолди» ибораси ишлатилиши социалистик жамият аъзоларининг иқтисодий максимизини моҳияти ўз ифодасини топади ва у қўйадиган мазмун бажарилади. «Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бир-бири билан яқинлашуви ва уларнинг меҳнат жараёнининг уйғунлашуви бир-бири билан мувофиқлашиб, ишчи-деҳқон меҳнатини фан-техника ютуқлари асосида ялли сановатлаштириш синфий сиёсий структура-синфий қарор топиши ва бу жараёнда ишчилар синфининг ҳал қилувчи роль ўйнаши — ҳозирги босқичда социал муносабатлар ривожининг муҳим қонунияти бўлиб қолди».

А. АСИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг илмий ходими.

ЗАРБДОР ИШЧИ ИБРАТГИ

Тошкент таъриб п лилакаш-лик фабрикасида кўкўлаб ишлаб чиқариш илгорларлари меҳнат қилишди. Ҳусния Мирза-тулпеева ҳам 25 йилдан бери ана шу корхонада тўрт тўқиб келмоқда. У доимо о социалистик муносабатда пешқадамлиқ қилиб келаяпти. Илгор ишчи мураббийлик ҳам қ қилмоқда. Кўлаб ишларга кўнунт билан йигирувчилик касбинини ўргатаяпти.

СУРАТДА: Ҳусния Ҳ Мирза-тулпеева.

В. Сироткин н фото.



Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

СУРИЯЛИК КОСМОНАВТЛАР УЧИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

МОСКВА яқинидаги Звёздный шаҳарчасида тайёрлана бошлаган ўн иккинчи интернационал экипаж составига Суриянинг икки графиди — Мунир Ҳабиб билан Мухаммад Фарис кирди.

Планетанинг биринчи космонавти — Юрий Гагарин учган йили улар бошлангич мактабда ўқишар ва ҳар бир бола сингари осмонга кўтарилиши озу қилишар эди. Ҳозир Мухаммад 34 ёшда, унинг ҳамкасби Мунир 32 ёшда.

Космосга эндиликта учиб тарадудиланамиз, лекин ер атрофи фазоси барча мамлакатлар ва халқларнинг тинч ҳамкорлик қилишига катта истисқоболлар очиб бериши учун, жумладан ўз мамлакатларида ҳам фан ва экономика ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини айтишлар.

Космос — Америка маъмурияти ният қилаётганидек, ядровий қурол жойлаштирилган майдон эмас, балки тинч ҳамкорлик қилиш жабҳаси бўлиб қолмоғи кераклигига чуқур ишонамиз, деб таъкидлашди Ҳабиб ва Фарис. «Стратегик мудофая ташаббуси» деб аталмиш ҳаракат бутун инсониятнинг мулк бўлиши космосга қўпол суратда таъовузкорлик тўхтатилсин, деб талаб қилётган афғон оммага нисбатан ошқоқар дағдағадир. Космик фазо ер юзидан ҳаётга таъдиқ солиши мумкин бўлган ҳамма нарсаси учун ёпиқ бўлиши керак.

Бўлғуси фазогайлар совет таъдиқотчилари билан бирга ишланган гоётда мамун энгилчиларини ихор этдилар. Тайёргарлик чоғида совет таъдиқотчилари зарур назарий ва амалий ёрдам олиб туришмиш, деди улар. Юрий Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш марказида ҳукм сураётган дўстлик ва ҳамкорлик вазиёти, тайёргарлик ишларининг яхши бораётганини космик миссиянинг муваффақияти бажарилишига ишонч бахш этди.

Мухаммад Фарис билан Мунир Ҳабиб Совет ва Сурия халқларига, ер юзидан барча халқларга янги йилда бахт тиладилар. Халқаро тинчлик йили, деб эълон қилинган 1986 йил дарҳақикат инсониятнинг янада тараққиёт этиш ва раванқ топиш даври, халқаро кескинлигини юмшатиш ва уруш ҳафтини йўқотиш даври бўлиб қолмоғи керак, деди улар.

ДЕХЛИ. Хиндистон пойтахтида анъанавий халқаро савдо ярмаркаси катта муваффақият билан ўтди. Байрам кўннини шаддаги «Прагати Майдан» виставкаси қолплесиде 32 давлатнинг байроқлари кўтарилган. Шу жумладан СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг байроқлари ҳам ҳилпираб турибди.

Совет Иттифоқи ярмарканинг энг катта иштирокчиларидан биридир. СССР павильонига 4 мингдан ортқ экспонатлар — йирик ишлаб чиқариш комплексларидан, макетларидан тортиб, то кенг истеъмол буюмларигача бор. Улар СССРда машинасозлик, металлургия, электроника, самолётсозлик, нефть ишлаб чиқариш, химия саноати, энергетика каби тармоқлар ривожланишидаги муваффақиятларни кўз-кўз қилмоқда. Аънага биноан СССР павильонига иттифоқдош республикалардан бирининг экспозициялари намойиш этиб борилади. Бу сафар Грузия ССР ўз ютуқларини намойиш этмоқда.

СУРАТДА: Деҳлидаги халқаро савдо ярмаркасида.

ГВИНЕЯДАГИ КЎРГАЗМАДА

нинг маданияти ва анъаналари тўғрисида ҳикоя қилади. Ушбу кўргазма Гвинея ва Совет халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни чуқурлаштириш ишига хизмат қилади, иккала мамлакат ўртасида-

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

БЕРЛИН. Роботлар ва бошқа замонавий серунум техникани кенг қўламда ишлатиш ГДРда катта-катта корхоналарнинг имтиёзи бўлмай қолди. Механик ёрдамчилар чорқоқ корхоналардаги технология замирига ҳам тез-тез қўшилиб бормоқда.

Берлиндаги «Перфект» заводи бунга мисол бўла олади. У мамлакатда қурувчилар, металлургия, химиклар, порт ишчилари, бошқа бир қанча касб-кордаги кишилар учун ихота шлемларини тайёрлаб чиқарувчи бирдан-бир корхонадир. Ҳозир бу ерда сановат роботлари ёрдамида ҳар йили 500 мингтага яқин шундай шлем тайёрлаб чиқаришмоқда. Роботлар шу ернинг ўзиде яратилди. Манупуляторлар ҳар 20 секундда тайёр маҳсулот бериб, операторларни қўл меҳнатидан батамом ҳоли қилмоқда.

БЕЛГРАД. *** Югославиянинг Риека шаҳридаги 3 май номидаги кемасозлик корхонаси кемасозлари катта меҳнат гала-басига эришдилар. Улар нава батдаги танкерин мундтадан анча илгари Совет Иттифоқи-га юбордилар. Риека кемасозлари Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик йилларида СССРнинг буюртмаларига биноян турли вазифаларни бажарувчи жами 35 кема қуриб бердилар.

Туғайган беш йилликда кемасозлик соҳасида Совет —Югославия самарали алоқаларини ривожлантиришда янги бир қадам қўйилди. Шу давр ичиде ЮСФРдан СССРга юзтага яқин кема тайёрлаб берилди. Совет Иттифоқининг катта ва узоқ мундтали бу-

юртмалари соҳанинг ишлаб чиқариш қувватларини тўлароқ банд этишга имкон бермоқда, кемасозлик технологиясини мунтасил такомиллаштириб боришга имкон бермоқда.

УЛАН-БАТОР. Убурханага айомининг меҳнатқашлар янги йил бўсағида яхши бир соғва олдилар. Аймоқ маркази —Арвайхэр шаҳрида янги жуда катта озиқ-овқат комбинати фойдаланишга топширилди. Комбинат нон-бунка маҳсулотлари, сут маҳсулотлар ва алкоғолсиз ичимликлар тайёрлаб чиқаради. Совет Иттифоқининг техникавий-иқтисодий ёрдами билан қурилган бу корхона қишлоқ меҳнатқашларини озиқ-овқатда маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда катта роль ўйнайди.

Озиқ-овқат комбинатини ишга тўшириш муносабати билан Арвайхэрда меҳнатқашлар минтинги бўлиб ўтди. Минтинга сўзга чиққанлар республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда советлар мамлакатининг катта қўламдаги интернационал ёрдами алоҳида аҳамиятга эга бўлаётганилини айтишди. Эттинчи беш йиллик мобайнидаги Совет Иттифоқининг ёрдами билан шу соҳанинг унматдан кўп катта объекти қурилиб, фойдаланишга топширилганини таъкидлашди. СССРнинг ёрдами билан қурилган сановат корхоналари сут ва нон-бунка маҳсулотларининг, ун ва бошқа маҳсулотларнинг анча қисмини тайёрлаб чиқармоқда.

МАНАГУА. Гондурас режими Марказий Америкадаги халқаро тинчлик юрши қатъчиликларини мамлакат территория-

сига келишини тақиқламоқда. Уч кундан бун буриш йил қатъчиликлар Никарагуанинг 9 шимолий чегарасида туриришди. Гондурас маъмурияти шу ернинг мамлакат территориясига киришга ўзарлик билан рухсат бермапти. Гондурас ҳукумати бошқона расмийиятчиларини бажариш баҳонаси остида турли-туман тўсиқчилар қўйиб, Америка ва Фарбрий Европанинг 25 мамлакатидан келган 30 нафар тинчлик учун курашининг бу тинчликчилар халқ ҳаракатини барбод эд этишга иштирокчи. Илгари хабар қилингандек, халқаро о о юрши Панамадан бошланиб, Коста-Рика орқали револуцион Никарагуага етиб келган. Бу ерда уларни қизгин н кутиб олишди. Юршини ўтказишдан мақсад халқаро жамоатчилик эътиборини АҚШнинг агрессив сийсати айти билан МеМарказий Америкада вужудга келган халқаро вазиятга қараатишдан иборат эди.

УАГАДУГУ. Буркина а Фасо билан Мали ўт очиниш й дарҳол ва батамом тўхтатиш ҳақида битим тузишди, деб хабар қилилди. Уагадугу радиоси. Радио орқали берилган расмий ахборот айтилишича, «Ливия, Гвинея, шунингдек, бошқа беш дўст давлатларнинг воститачили қу-ғайрати н натижадан ана шу ҳужжат ит имзоланди. Битимда чегара ва низоос бошлангунга қадар Буррукия ва Мали қўшилган эгалиллаб турган позицияларга қайтайиб кетиши, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларини амонлаштиришга олиб б борувчи барча ҳаракатлар тўхтатилиши, шунингдек, ўт очиниш тўхтатиш шартларининг бажарилиши кузатиш учун Африка бирлиги ташкилоти, Б Буркина Фасо, Мали, Ливия ва Н Нигерия ақилларидан иборат коомиссия тузилганлиги айтилади. 4.

ХАЙБАР ДОВОНИДАГИ ЖАНГЛАР

ДЕХЛИ. Покистон ҳарбийлари ўз мамлакатини халқининг бир қисмига қарши очқ уруш бошлаб, шимолий-ғарбий чегара вилоятидаги Хайбар доволарини районда пуштун қишлоқларига қарши қуролли босқинчилик қилишни давоқ эттирмоқдалар, деб ёздади Хиндистон Индия-Пресс. Эй Женис (ИПЭ) ахборот агентлиги. Покистон армиясининг мунтазам қисмлари артиллерия, танклар ва авиация мададида пуштунларнинг Африда ва Шинвар қабилаларига қарши уруш ҳаракатлари қилмоқда. Бу қабилалар ўзлари яшайдиган районлар Афғонистон Демократик Республикаси қарши эълон этилган уруш майдонига айлантирилган, бу ерда афғон босмачиларнинг кўпдан-кўп лавгарлар катпо қурашмоқдалар.


Пуштунлар ўз территорияларидаги афғон ақилиқчи-лобчилари босмачи тўдаларини.

Покистон қўшинларининг пуштунлар яшайдиган районлардаги қуролли авантюраси мамлакатнинг шу қисми а орқали босмачиларга қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар юбоборилишини «гарантиялашини», шунингдек, бу ерда АДЭДР душманларининг янги базалари ва кўпроқчилик мамлакатлари ўтказилганда лагерьлари очилишини кўзда тутиди. И. Исмоил босмачилар пуштунларга ва бошқа қабилаларга қарши уруш очиб, уларни яшайдиган зона статусини, а, уларнинг урф-одатларини ва анъаналарини ҳурмат қилиш хусусидаги мажбуриятларини қўпол равишда буздишлар. Бу Исмоилбод АДР душманларининг қора ниятларининг бажо келтириш йўлида қ ҳар қандай жоний авантюрачалар, шу жумладан ўз мамлакатни т аҳолисига нисбатан авантюрачалар қилишга тайёр таъинланганда қишлоқлардан қилиб, деб т таъкидлайди беради. Индия Пресс Эйженис ахборотот агентлиги.

Покистон қўшинларининг пуштунлар яшайдиган районлардаги қуролли авантюраси мамлакатнинг шу қисми а орқали босмачиларга қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар юбоборилишини «гарантиялашини», шунингдек, бу ерда АДЭДР душманларининг янги базалари ва кўпроқчилик мамлакатлари ўтказилганда лагерьлари очилишини кўзда тутиди. И. Исмоил босмачилар пуштунларга ва бошқа қабилаларга қарши уруш очиб, уларни яшайдиган зона статусини, а, уларнинг урф-одатларини ва анъаналарини ҳурмат қилиш хусусидаги мажбуриятларини қўпол равишда буздишлар. Бу Исмоилбод АДР душманларининг қора ниятларининг бажо келтириш йўлида қ ҳар қандай жоний авантюрачалар, шу жумладан ўз мамлакатни т аҳолисига нисбатан авантюрачалар қилишга тайёр таъинланганда қишлоқлардан қилиб, деб т таъкидлайди беради. Индия Пресс Эйженис ахборотот агентлиги.

МЕТРИК СИСТЕМАГА

ПЕКИН. Хитой газеталарининг хабар беришича, 1986 йил ХХРда метрик ўлчов системасига секин-аста ўтилади. Мамлакатда умумий қабул қилинган оғирлик ўлчовлари «эцин» (0,5 килограмм) ва «лянь» (50 грамм) килограмм ва граммлар билан алаштиради. Хитойнинг «чичи» (0,3 метр) ва «чун» (3,3 сантиметр) ўлчовлари метртр ва сантиметрлар билан ҳисоб қилинадиган бўлади. Ҳозир Хитойда бир қанча ҳ ҳолларда метрик система ишлатилимоқда. Масалан, каттага йўллардаги белгилар километр билан ёзилмоқда, тўққиз чичи қилиётган газлама метр билан ҳисобланмоқда. 1.



ИЗЛАНИШ

Партия ва ҳукуматимизнинг съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш меҳнат коллективларининг активлигини оширмоқда. Бунга «Қизил тоғ» тикувчили ишлаб чиқариш бirlашмаси чеварларининг фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бirlашма чеварлари ўн биринчи беш йиллик марраини мундтадан бир ой кунлик эгалилашди. Зарбдор ўн кунликлар давомида янниса юқори унумдорлиқка эришилмоқда. Сабри Эннонов, Дилбар Алимбекова, Мукамбар Орло-ва сингари чеварлар ўн кунлик топшириқни 6—7 иш куниде бажаришга муассар бўлмоқдалар.

Яқинда бirlашмада КПССнинг янги таърирдаги Программасы, таклиф этилаётган ўзгаришлар билан КПСС Устави ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари муҳокама қилинди. Биз бirlашма-нинг доваруғли ишчиси, таърибали бичиқчи Сабри Эннонов билан ўрашдик.

— Аюйбид даврда яшап-миз. Бутунги кашфиёт эртага ярамайди, кечаси эса бутунги кунда эскириб қолгандай ҳис қилсан, — деди у. — Партиямизнинг съездолди тарихий ҳужжатларини муҳокама қилар эканмиз, бунга ана бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Чунки ҳамма жойда янчиса иш юрйтиш, ангилликка инти-лишни ҳар томонлама рағбат-

лантириш партиямизнинг асосий йўл-йўриқларидан биридир.

Иш унумини ҳал қиладиган асосий омил — бу вақтдир. Вақтдан самарали фойдаланган ишчиларга кўзланган мақсадга эриша олади. Кейинги вақтларда бirlашмамиз тайёрлаётган маҳсулотларга талаб жуда катта бўляпти. Кўп йиллик таърибдан сўнг шундай ҳулосага келдим. Ишчи учун плани бажариш мукдаддас бурч бўлиши керак. Социалистик мажбуриятини удалаш эса унга шон-шухрат келтиради.

Сабри Энноновнинг коммунист сифатидеги шахсий режалари ҳам юксак. КПСС XXVII съезди очилмадан кунга қадар 1986 йилнинг 8 ойлик план-топшириқларини бажаришга аҳд қилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида мамлакатимиз энгил сановатининг ўн беш йиллик истисқобли белгилаб берилган. Унда, «Тикувчилик буюмларини моделлаш ва конструкция қилиш анча яхшиланди, ишлар ва катта йшдаги кишилар учун кишим-кечак... турларни кенгайтирилсин», дейилган.

«Қизил тоғ» чеварлари ҳозир ана шу кўрсаткичларни рўйбга чиқариш йўлида изланмоқдалар. Аҳоли учун зарур кишим-кечакларни кўлаб ишлаб чиқариш уларнинг асосий мақсади. Бунинг учун иш жараёнини механизациялаштириляпти.

Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ.



Подшипниклар ремонт заводи коллективни съездолди партия ҳужжатларини кизгин муҳокама қилмоқда. Кўлаб ишчилар ўзларининг таклиф ва истақларини билдирмоқдалар. Ана шундайлардан бири коммунист меҳнат зарбодори Г. Кашенецнидир. Бу илгор ишчи ўн биринчи беш йилликни мундтадан илгари адо этиб, янги беш йилликни ҳам юксак суръат билан бошлади. Пешкадам силқилдоғчи кунлик топшириқларини ортинги билан адо этмоқда.

СУРАТДА: Г. Кашенецниа ишлов берилган маҳсулотнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

М. Нуриддинов фото.

Ҳалол бўлсанг—иззат топасан

«КамАЗ»дан келган слесарь

салкам ўн йил меҳнат қилган. Ҳозир Собир Раҳимов районидеги 36-ЖЗУда ишлайди. Уч фарзандини отаси. Мақсади — мансаб ёки мол-дунё орттириш эмас, аксинча — одамларга яхшилик қилиш, ўз ишини ҳалол бажариш. Кўриниши ҳам, касбу юриши ҳам оддий. Одамларга муносабати ҳам шундай оддий, самимий.

— Сир эмас, — деймиз Ю. Ивановга, — кўнчилиқ истикоматчилар ЖЗУ ходимлари, айниқса слесарь-сантехниклар хизматидан норози. Албатта бу асосиз бўлмаса керак? — Мен уларнинг фикри-га ҳам қўшилиман, ҳам қўшмайман. Қўшилишимнинг сабаби — ҳамма слесарлар ҳам маъсуллик ва юксак маънавийлик нуқтаи назаридан ўз вазифасини ҳалол бажараяпти деб ишонч билан айтиб бўлмайди. Бунга мисоллар келтириш мумкин. Қўшилмаганининг боиси эса ҳамма слесарларнинг ёмонга чиқариб ташла-маслик ҳам керак. Бунга ҳам анча-мунча мисоллар келтириш мумкин. Мен, масалан Рауф Мингафаров, Янис Падирис сингари слесарь-сантехниклар номини ҳурмат билан тилга оламан. Улар борган уйнинг камчилиги бартараф этилмасдан

қолмайди. Слесарлар ҳар хил бўлади. Лекин энг муҳими «яхши слесарь» деган сўз-ни бировлардан эшитсанг—кўнглинг кўтарилади.

— Одамлар биздан баъзан ноуриин ҳафа бўлишади. Баъзан уй хўжалигига асқотадиган танқис эҳтиёт қисмларни ЖЗУ тутул, бутун трестдан ҳам топиб бўлмайди. Шундай пайтда ўзимни жуда нуқулдай ҳис этаман. Одамлар олдида улардан гўё ниманидир лишираётгандай, даринг тутайтгандай бир ночор аҳволда қоламанки бунинг шарҳлаб бериш жуда қийин. Аслида уша пайтда ўшандай дегу-тал ҳақиқатан ҳам йўқ бўлади. Одамлар эса сенга ишонмайди. Шунинг учун бундай ҳафаларда баъзи деталларни меннинг ўзим тайёрлашга жазм қиламан. Крайларга ишлатиладиган бундай прокладлар ишимда жуда ҳам қўл келди...

Ю. Ивановнинг хизмат харитасида 200 квартиранинг рақамлари муҳрланган. Бу дегани — 200 хонадоннинг мушуклини осон қилиш, кўнглини кўтариш, улар билан амалий муносабатларга доғ туширмаслик дегани. Слесарининг ўзи бунинг яхши тушунади. Айниқса қиш пайти...

Иин. Яна ўша эҳтиёт қисмлар, яна ўша деталлар. Бундай пайтда одамларга «ба-нолардон» бўлгинг келайди. Лекин ўша эҳтиёт қисмлар бўлмаса-чи? — Менимча, — дейди Ю. Иванов, — мутасадди раҳбарлар бу масалани жиддий ўйлашлари керак. Ахир Тошкентдаги шаҳри азияда оддий қранга ишлатиладиган арзимас прокладанинг йўқлиги сабабли биронинг ҳо-жатиини чиқаролмасак — уят.

Одатда журналистларнинг машҳур кишиларга бериладиган якяно-ягона анъанавий саволи бўлади: «Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?». Слесарь Юрий Ивановга шу саволни берганимизда олдинги у ҳайрон бўлди. Иўд, — деди у. — Оч-

Янгиликлар, кашфиётлар

ВЕГЕМОБИЛЬ КЕЛАЖАК АВТОМОБИЛИМИ?

АВТОМОБИЛНИ бир замоналар «отсиз арава» дейишган. Янгиликда аjoyиб иxtиро деб баҳоланган, кейинроқ тараққиётнинг муҳим белгиси айланиб қолган вeгeмoбиль атиги бир асрлик ривожий мобайнида атроф-муҳитни ифлослашти туфайли катта зарар ҳам келтира бошлади.

Статистика маълумотларига қараганда, планетамиз атмосфераси ифлосланишининг тахминан 60 проценти фақат автомобиль ҳиссасига тўғри келаркан. У чиқарилган газ таркибиде 200 хилга яқин модда бор. Биз автомобиль шу қадар кўникиб қолганимиздан ҳаттс битта автомобиль кунига ўртача 12 литр бензин ишлаб, атмосферага 25 килограмм хилма-хил зарарли химиявий бирикмалар чиқаришини ҳаёлимизга ҳам келтирмиз. Бу ҳам етмагандек, битта автомобиль бир йилда 4 тоннадан ортиқ ксилородни «естемол қилар» экан.

Автомобиль вужудга келтирилган бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Ички ёнғун двигателини янада такомиллаштиришдан наф йўқ, чунки у бир асрлик умри мобайнида мукамаллик чегарасига етди. Бу борадаги бирдан бир йўл янги хил двигателини яратишдан иборат, ҳоло.

Ҳозир олимлар атмосферани ифлосламайдиган автомобиль двигателининг янгиридан зийд тури устида иш олиб боришлар. Қўпчилиги мутахассисларнинг фикрича, 80-йиллардан кейин бензинли автомобиль ўз ўрнини селитра ёки бошқа хил двигатели билан жиҳозланган янги машиналарга бўшаёт беради.

Бундай двигателларга мисол қилиб Ванкелнинг роторли двигатели, газ турбинаси, суюлтирилган газ ёқилгисида ишлайдиган мотор, буғ двигатели, Стирлинг двигатели кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Кейинроқ бориб, уларнинг ўрнини ҳам электромоторлар эгаллайди.

ВАНКЕЛНИНГ роторли двигателидан ташқари қолган ҳамма двигателлар ўтган асрдаёқ маълум эди. Қариб юз йилдан бери мутахассислар бу двигателларни такомиллаштириш билан банд. Бироқ уларнинг қайси бири келажак двигатели бўла олади, деган баҳс ҳануз ажрим бўлмаёт.

Наҳотки, бу муаммони ҳал қилишнинг бошқа йўли бўлмас? Бўлиши керак. Электр энергиясини ҳаракатдаги истеъмолчига симсиз уатиш мумкинлиги, деган савол иxtирочиларга кўндан буюн тинчлик бермас эди. Бундан 40 йилча муқаддам таниқли совет электротехниги Г. И. Бабат энергияни ҳаракатдаги истеъмолчига юқори частотали ток кўринишида узатиш мумкин, деган хулосага келди. Улуғ Ватан урушининг оғир даври — 1943 йил бўлишига қарамадан олим ўз ғоясини тажрибада синаб кўришга аҳд қилди.

Бу транспорт воситаси қуйидаги схема асосида ҳаракатланади. Махсус қурилма ишлаб чиқарган юқори частотали ток асфальт йўли остига ётқизилган кабели берилади. Машинанинг кузови тагида қабул қилувчи қурилма, яъни сым толалари ўралган фалтак жойлаштирилган бўлиб, юқори частотали электромаг-

нит тўлқинлар оқими бу фалтакни кесиб ўтганда, унда ўзгарувчан индукция тоқини ҳосил қилади. Ўз навбатида бу ток тўғрисида қурилма ёрдамида доимий тоққа айлантирилиб, редукторлар орқали гилидираклар билан туташтирилган электр моторга узатилади.

Табиийки, электромагнит индукцияси аллақачондан бери маълум, аммо транспорт учун энергияни симсиз узатишда бу ҳодисадан биринчи марта шу тариқа фойдаланилган эди. Г. Бабат янги хил транспорт воситасини вегемобиль, яъни юқори частотали токда ҳаракатланувчи автомобиль деб атади.

Вегемобиль атрофидаги баҳс кўндан буюн давом этапти. Бироқ тажрибали иxtирочининг хулосасини қатъий тасдиқламоқда. Вегемобиль трамвайдан атиги 30 процент ортиқ, автобусга қараганда эса 1,5 марта кам энергия истеъмол қилар экан. Бу хил транспорт арзон, уни боқариш осон. Унинг моторига кўп ойлар мобайнида техник хизмат кўрсатишга эҳтиж бўлмайд.

Вегемобиль ўзининг дастлабки қадамини кўймоқда. Олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари бу муаммо ағрами кечми ҳал қилинаётганини мукярар эканлигини кўрсатаёт. Зотан, барча шахарлардаги ҳаракатланувчи воситалари биз нафас олаётган ҳавонини ифлосламасдан кишиларга хизмат этадиган кун яқин эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Ш. ИВРОХИМОВ,
инженер.

НАФОСАТ ГҮЛШАНИ

ҚИЗГИН ТАРАДДУД

Шу кунларда республика-миз пойтахти Тошкентда май ойида бўладиган Осие, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг навбатдаги Халқаро кинофестивалига қизгин тайёргарлик қилинмоқда. Айниқса бу иш шахар кинотеатрларида кенг қўламода олиб бориляпти. Шаҳар кинолаштириш бошқармасидан маълум қилишларича, барча кинотеатрларни ана шу анжуманга муносиб тайёрлаш, капитал ремонт қилиш мақсадида бир неча ўн минг сўм пул ва ўриндиқлар ажратилган. Бу ишлар

апрель ойига ҳам тугалланади. Халқаро кўрик муносабати билан Чехословакиядан бир неча такомиллашган янги кинопроекторлар апаратуралар келтирилди. Улар «Узбеккино-Деталь» заводининг мутахассислари ёрдамида ҳамма ва Лисунов номи кинотеатрларда ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада маданият даргоҳларида картиналарни кўрсатиш сифати анча яхшиланди. «Тошсовет 50 йиллиги» «Нукус» ва бошқа кинотеатрларда ҳам ана шундай апаратуралар ўрнатиш ишлари олиб бориляпти.

АНЖУМАННИ ШАРАФЛАБ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли паронамалар ва кўргазмалар дирекцияси санъатшуносларининг мамлакатимиз коммуналларининг катта анжуманига бағишлаб Ўзбекистон расомлари ва амалий санъат усталари асарлари кўргазмасини тайёрлашга киришди.

Янги кўргазма республика Расомлар союзининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилади. 1500 дан ортиқ тасвирий санъат, ҳай-

«ТЕВАРАК-АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ»

Шу ўқув йилидан республика-миз мактабларида «Ат-роф-муҳит билан таништириш» курси ўқитила бошлади. Биринчи ва иккинчи синф ўқувчиларининг табиат ҳодисалари, нарсалар (предмет)лар ҳақидаги тушуновларини тўлаш ва систематик олиш, уларнинг тажрибалири бо-йитиш, табиатга меҳр-муҳаббатини тарбиялаш кабиларини ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу курс машғулотларини олиб бориш учун методик материаллар комплекти босмага ҳозирлаб қўйилди.

Ушбу адабиёт «Ўқитувчи» нашриётида чоп этиляпти.

Оқшомхонлар учун учрашув

Янги қўшиқ

КАМ БЎЛМАСИН

Васл чоғи эй, нигорим
Фурсатинг кам бўлмасин,
Кел, ёруғ замонада
Сухбатинг кам бўлмасин.
Не мурундог бўлса дилда
Майли ошкор айлалар,
Оқшомингда менга кўнгли
Журъатинг кам бўлмасин.
Сен латофат гулшанида
Айладинг шайдо мени,
Эй, санам, лутфу назокат —
Санъатинг кам бўлмасин.
Хусни маҳжид бирла дилдор,
Сен тополдинг эътибор,
Ортса ортисин элда алмо
Ҳурматинг кам бўлмасин.
Қўч зафар меҳнатда, ҳаргиз
Тўшма ғайрат отидан,
Элда доврқу солмағунча
Ғайратинг кам бўлмасин.
Мен сенга ёндош кўрайкин
Ўзини меҳнат чоғида,
Кошки, кўрган чоғ дегайлар
«Нусратинг кам бўлмасин».

Нусрат Абдусаломов
1945 йилда туғилган. Асли касби қурувчи. «Ўзшаноя» қўшиқлари шёърлар тўплами чоп этилган.

бир гуруҳ шинавандалар борки — бахтимизга улар анчагина кўшиқча ҳар томонлама баҳо беришди. Хонанда эса уларнинг ҳар бирига энг асосий нарсаси деб қарашни лозим.

— Ёш санъаткорларга қандай таламларни бериш керак?

— Санъат — қутлуғ даргоҳ. Аввало, мана шу нарсани унутиб қўймаслик керак. Зеро, бу атоқли санъаткорлар изидан бориб, эл эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар бир хонанданинг вайжон бурчи.

Ешларимиз бизга қадимдан мерос бўлиб қолган маком йўлидаги ашуларларни, замона ва бахтиёр давронимизни меҳр этувчи янги мазмундор шёърларни қўшиқ қилишга дейимиз. Йиллар ўтваради, устозлар ўрнини иқтидорли ворислар эгаллайди. Янги қўшиқ эса ўзгармайди. Уни макомда ижро эта оладиган хонандага интиқ туравередим. Уша хонанданинг оти эса — ёшлик, ёшларимиз...

СУРАТДА: Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар.

Қардошлик оиласида

Совет кишиларининг Улуғ Ватан урушидан сўнг туғилган авлоди уруш нима эканлигини китоблардан ўқиб, кинофильмларни кўриб билган. Биз Вьетнам ёшлари эса уруш келтирадиган вайронликлар, жудалик ва азоб-қувбатлар қандай бўлишини бошимиздан кечирганми.

Америка босқинчиларига қарши йигирма йил олиб боришдан уруш Вьетнам халқига қимматга тушди. Биз минг-минглаб аjoyиб кишиларимиздан маҳрум бўлдик. Ўнлаб шахарларимиз ва қишлоқларимизни душман самолётларидан ташланган бомбалар вайрон қилди.

Мамлакатимиздаги Совет кишлоғи фюжаси, Белоруссиядаги Хатин, Ливандидаги Сабри ва Шагила қишлоқлари аҳолиси бошига тушган фожиялар сингари бутун дунёдаги ақл-идроқли кишиларни урушнинг лаянатлиги, тинчлик учун зўр бериб кураш олиб боришга даъват этади.

Америка босқинчиларига қарши курашда бизнинг оиламиздан икки киши — мен



ва акам Тэу қатнашдик. Акам 1972 йилда ҳалок бўлди. Менга эса ғалаба қозонганимизча жанг қилиш насиб этди. Сўнгга Кампучияни полтотчилардан озод қилишда қатнашдик. «Аъло хизмати учун» медали билан тақдирландим.

Етти йиллик ҳарбий хизматдан сўнг ота-онам бағрига қайтиб, оила қурдим. Отам билан бирга йўл қурлишида ишлаб бошладим. 1984 йилда ҳукуматимиз халқ армиясида янги хизмат кўрсатганимни ва қурилишдаги намунали меҳнатини инобатга олиб мени Совет Иттифоқига ўқитишга юборди.

Тошкентдаги 11-ўрта ҳунар-техника билим юртини Вьетнамда янги биллишди. Бу билим юртида кейинги ўн беш йил мобайнида 700 дан ортиқ вьетнамлик йигит ва қиз таълим олиб, металл-га ишлов бериш билан боғлиқ касбларни эгаллади. Улар ҳозир Вьетнамнинг турли шахарларидаги санат корхоналарида ишлаб, мамлакат индустриясининг юксалишига муносиб ҳисса

қўшмоқдалар. Билим юрти Совет-Вьетнам халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун Вьетнам Халқ Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Совет ва Вьетнам халқлари дўстлиги ва қардошлиги катта тарихга эга. Бу дўстлик тароққийига, бутун дунёда тинчлик ишининг тантанасига хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам биз бу дўстликни юксак қадрлай-миз.

Ле Дянь ЧУАН,
Тошкентдаги 11-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАБ

Бутун прогрессива инсоният тинчлик учун курашиб келмоқда. Бу кураш Халқаро Тинчлик йили деб эълон қилинган 1986 йилда янада авж олдирилмоқда.

Бутун мамлакатимиз аҳолиси ва 42 миллионлик Ленин комсомолы йилари АҚШ мамлакатларидан атом бомбасини синов қўришни тўхтатишни талаб қилмоқдалар. Кун кеча Киров район комсомол комитети уюштирган митинг ҳам долзарб масалага бағишланди.

Митингда Киров район комсомол комитетининг биринчи секретари В. Есаулов, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тивувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси Улуғ Ватан уруши ветеранлари Советининг расми Р. Васильева, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмасининг илгор ишчиси Д. Курашов, алоқа электротехника институтининг студенти З. Канбаевлар сўзга чиқишди, инсон бахт-саодати йўлида бошланган Тинчлик йилида халқлар ўртасида дўстлик илпарини янада мустаҳ-



кам боғлаш кераклигини қайта-қайта уқдирди. Шундан сўнг Лос, Непал, Сурия мамлакатларидан келиб Тошкент автомобиль-йўл институтига ўқитган талабалардан тузилган агитбригада аъзола-

ри анжуман қатнашчилари эътиборига интернационал дўстлик мавзусидаги сийсий қўшиқларни ҳавола этишди. СУРАТДА: митинг қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Илмий лабораториядан репортаж

ТУШЛИК ОВҚАТ ФОРМУЛАСИ

— Ҳали тушлик қилганимизга йўғ-а, — хушмуомалалик билан сўради мезбон. Бу орада сарғимтилл қурагир порошок билан тўла икки та пилла стол устида турарди. — Ундай бўлса мана бу шўрвадан табиб кўринг. Кечки овқатга ҳам эҳтиж қолмайди. — Эрта эрталабча тўқ юрсиз. Шўрва ширин ва ғалати таъмда эди.

— Ҳидига эътибор бераверманг, — оғоҳлантирди мезбон. — Ҳали уни маромига етказишгани йўқ. Бироз аччиқроқ, лекин таъми жуда зўр...

Худди кўзқорин билан гўшт қўшиб пиширилган, дейсиз. Одатдаги шўрва, лекин туз ўрнига ширинлик ишлатилгандай. Ресторанда шунақа овқат келтиришадиган бўлса, дарҳол шикоятлар дафтарини сўраган бўлардингиз. Бу ерда эса бунинг ўрнига лаборатория журналини тўлдирасиз. Журналга экспериментлар натижаси ёзиб борилади. Унда пазандалик санъатига қандай эътиломи. Дароқе, бошқа барча хусуси-ятлари ресторани унчалик эслатмайди.

Стол устига катта-кичик қолбелар, пуфчалар, шиша трубкалар қўйилган. Пи-чок билан вилка ўрнида пинцетлар ишлатилди. Деворда эса приборлар билан дет-чиклар ўрнатилган.

Шўрва ушбу «ресторанда»дагидан кўра бошқача шарафатда пиширилган.

— Шўрвани... фойдаланиб бўлинган пи-во аччиқларидан «пиширдик», — дея изоҳ беради ТАСС мухбирига СССР Филар академиясининг А. Н. Несимов номи элементар органик қўшиқларни институти озиқ-овқат модалла-ри синтез лабораториясининг катта илмий ходими В. Латов. — Одатда бу чикитлардан фойдаланилмас эди. Бу бўлса чикитдан озиқ-овқат ва дори-дармонлар оляими.

Ишлатилган аччиқларда оқсил, бошқа биополимерлар, полисахаридлар, шунинг-дек витаминлар, макро ва микро элемент-лар бор. Махсус қайта ишлов ўтказиш на-тижасида биз аминокислотлар қоримаси-сингари қимматли компонентлар оламиз. Улар оқсиллардан иборат бўлади.

— Улардан қандай қилиб фойдаланса бўлади?

Владимир Константинович қўлини кўрсатди. Гапнинг очиги, унинг қўлида ҳеч қанақа ғайри-табиий нарсани сезмадим. — Утган кун кишимни кесиб олган эдим, — дея изоҳлайди сўхбатдошим. — Мана бу кремни сургандим, эртасига ўрин ҳам қолмади. Бу крем тўқима қолдиқларини қайта ишлашининг бошқа бир натижаси — пиво аччиқларини қайта ишлашдан олдингана яна бир бошқа махсулотдир. У физиологик ак-тив компонентларга бойлигидан тери ости-даги модаллар алмашувини — карбон су-ли, витаминли, мойли модаллар алмашуви-ни яхшилайди.

Хуллас, бундай махсулотларни қўллан-иш соҳаси бениҳоя кенгдир. Уни медицина, озиқ-овқат ва микробиология соҳасида, қишлоқ хўжалиги, ҳайвонотчиликда ва бош-қа кўпгина тармоқларда қўллаш мумкин. Олимлар яратган оқсил модалларидан дасту-рхонимиз махсулотлари оқимидан ва сифа-тини оширишда муҳим омили бўлиши мум-кин.

Энди гап саноатда қолди. Аминокислота қоримасининг ишлаб чиқариш лимонад ишлаб чиқаришга нисбатан унча мураккаб бўлмасам ҳам янгилик хали кенг қўллан-и-лган йўқ. Ҳозирча алкогосиз ичимлик-лар — пиво саноати бошқармаси оқсил-арим фабрикаси ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Лекин бу хали етарли эъла-ми-ги кўриниб турибди. Озиқ-овқат махсу-лотлари чикитларини тўла-тўқис қайта ишла-шга ўтиш йўли билангина халқ хўжалигига кат-та самара келтириш мумкин.

ҚИЗИЛ ҒОЗ ҚАЕРДА ҚИШЛАЙДИ

даги ўттиз километрни дембе-денгизни тоза қолда саклай-ди. Нефть қуйишни қаттиқ на-зорат этиб туриш мақалли Оқтоз денгиз портини Кас-пийда энг тоза портга айлан-тириш имконини беради.

Мангитшол корхоналари оқинда сувни самарали тоза-лаш масаласини хал этиб, та-биятга фойда етказяптилар, қайтариб келтирилган су-нинг ортиқчасини хиббон,

томорқа, боғларга бермоқда-лар. Ҳозир Шевченко аҳоли-сининг ҳар бирига, мисол учун 50 квадрат метр қўламанзор — мамлакат Европа қисмидаги бир қанча шахарлардагидан кўпроқ қўламанзор тўғри ке-лади. Ченг бурчларни орқа-да қолди, ҳавони гулларнинг шаҳрига Халқаро архитектор-лар союзининг мукофоти бе-рилди.

Тарозибон экан оғир, таърифга тушди бир-бир:

— Тарозулар албатта Улчов асбоб одадда. Бўлар баъзан тарозу Мисқолини аниқлар у. Улчанлари бор яна, Улчанлар унда тонна. Тарозу ҳамма жойда Келтирилади-да фойда. Менда бор бошқа орзу, Топсам шундай тарозу: Емонларнинг қилимиши, Улчасам гуноҳ ишин, Оғир-оғир дамларнинг, Ташавшлар-у, ғамларнинг — Оғирлигини, Борлигини, Лўнда қилиб кўзига, Улчаб берса ўзига! Сўнг ўзига ортиса, Оғир эканин билса... Менда бор яна орзу, Топсам шундай тарозу: Ёшлиқнинг олтин вақтин, Бағтиёрларнинг бахтин, Ғалб-сўзгаги маънузини, Шаҳадатга ўтган кунинг — Қандайлигини улчасам, Бўларча роса назам. Менда бор тағин орзу, Топсам шундай тарозу:

Ноҳақлики, Ҳақлики, Одоблики, Поқлики, Дўстнинг садоқатини, Бардош ила тоқатини, Инсоннинг инсонлигини, Қанча нисофлигини, Виждонларини ҳам ҳатто — Улчасам бу бехато. Орзум ушласам чиндан, Хизмат қилсам дил-дилдан.

Водолаз-ғаввос

экану шовбоз:

— Бир кун денгиз бўйида, Ғаввос бўлиш ўйида, Ултириб сурдим ҳайл, Денгизга бердим савол: — Денгиз, денгиз, ҳой Денгиз сени тегисиз. Дейишар сени тегисиз. Бир талайлики сирларинг, Борини дала, қирларинг. Денгиз аста кўйиб Денга дер тўйиб уриб: — Бўлсанг агар ғаввосим, Очардим сенга тилсим. Қўйди мекх-у ишимни, Қондирмадим лашчимни. Денгиз тағига тушдим. Мақсадига етишдим. Ғаввослики, Бу — шовбозлики,

Ака-ука Шожалиловлар

Ҳурматли редакция! Биз оиламиз билан ака-ука Шоолим ва Шоакбар Шожали-ловлар икки этакдан қўшиқларни севиб тинглаймиз. Газета-миз саҳифасида ана шу санъаткорлар ҳақида мақола эълон қилишнингизни сўраймиз.

В. РАСУЛОВА, уй бекаси.

Шундай илтимос билан биз-га хат йўллаган яна бир оқ-шомхон ҳатто савол ҳам тақ-лиф этган. Биз сўхбатимизни газеткн саволи билан бо-ш-лашим лозим кўрдик.

— Ака-ука Шожалиловлар-нинг асосий касби нима?

— Мен ўттиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида дори тайёр-ловчи бўлиб ишладим, — деди Шоолим Шожалилов. — Укам Шоакбар эса Шарқда энг қа-дими хунар соҳиб — сар-тарош. Лекин касбимиз ҳар хил бўлишига қарамай тилаги-миз битта — озгина бўлса-да одаларга яхши қайтариб, заъв улшоқим. Бу бизга устозлари-миз, халқимизнинг севимли хофизини Мулла Тўйчи Тошму-хамедов ва отамиз Шожалил Шодумаровлардан мерос.

Тошкентнинг Гулбозор ма-ҳалласида мўъжазига меҳ-монхонамиз бўларди. Бу ерга Абдуқодир қори, Солиҳон Хо-жу бува, Иномжон Икромов, Юнус Ражабий, Ориф Қаношов каби атоқли ҳофизлар тез-тез йиғилишиб ашуларлар айтишар, шеърхонлик қилишар, биз эса бутун вужудимиз билан қўшиқ дунёсига сархуш эдик. Санъ-атга меҳримиз ана шу аjoyиб оқшом йиғинларидан бошлан-ган.

Тоғамиз мулла Тўйчи Тошму-хамедов уша пайтлардаёқ ном чиқарган макомчи бўлган. Ота-миз Шожалил ва амакимиз

Шораҳим Шодумаровлар ҳам асли ганҷкор бўлишларига қа-рамай, уста ижрочилар эди. Тўйчи хофиз уларнинг санъ-атга иштиёқини маъқуллаб, ўзларига шогирдликка олган. Кейинчалик атоқли халқ хофиз-и қатори улар икки этакдан қўшиқлар ҳам биринчи марта граммофонга ёзиб олинган. Оғамиз ва устозимиз Шоко-сим Шожалилов ҳам уларнинг ортидан бориб, уста ижрочини бўлиб танилган ва 1948 йилда Ўзбекистон халқ хофизини ун-вонини олишга мушарраф бўлган.

— Укамиз Шоакбар Шо-жалиловга бир савол билан мураккаб қилсам. Санъаткор-лик сизнинг ёшликдан орзу қилган мўъжазидингизми?

— Ҳа, бироқ асосий касбим, хали акам айтганларидек, сар-тарошлик. Иккала хунарга ҳам муносабатим бир хил, бирдек кўраман. Акам эса болаликдан шифокор бўлишни орзу қи-лардилар. Лекин муахши уруш туфайли бу орзу орзулигича қолаверди.

— Санъаткорлик ҳам ўзига хос шифокорлик... — Тўғри айтдингиз. Аммо мен бир нарсани — уруш ин-сон орзу-ниларининг энг баттол душмани эканлигини таъкидламоқчи эдим.

Шоолим ака бу гапларни жингига тасдиқлаб туради.



Ким билсин, балки у ҳозир ўша машаққатли 1942 йили эслангандагидир. Ушанда ака-ука Шожалиловлар республика радиосида ишлаган. Эҳтимол 1944 йили эсланганда. Бу пайтда эса у акаси Шоқосим Шожалилов билан бирга фронтда ўзбек жангчилари хузурида концертлар берган. Айниқса улар жўровоз ижро этган «Келур» қўшиғи минглаб фарзандларини жангу жадал сари йўллаб, фронт орқасида фикдорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизга катта мадад бўлган.

Янги қўшиқ ҳаммаша жон озуғи. Бироқ ўша суронли йил-ларда эл озгизга тушган мар-донавор ва давлаткор қўшиқ-лар ҳаммаша қадрлиб келади. Зеро, шундай бўлиши керак ҳам.

Қўшиқ мухлисларига келсам, бизнингча улар тўрт хил бўла-ди. Биров фақат овозини тинг-лайди, шунга қараб бе-шавфат хулоса чиқариб қолверади. Яна биров эса му-зика шайдоси, қўлидаги соз-дан кўч ўзмайди. Айрим тинг-ловчилар ғазал тафаззуфини текширади. Ва ниҳоят бошқа

бир гуруҳ шинавандалар борки — бахтимизга улар анчагина кўшиқча ҳар томонлама баҳо беришди. Хонанда эса уларнинг ҳар бирига энг асосий нарсаси деб қарашни лозим.

СУРАТДА: Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар.



ЯНГИ ЙИЛ КАРНАВАЛИ

Фотоахборот

С. Раҳимов районидagi В. И. Ленин номи 28-ўрта мактаб ўқувчиларининг янги йил карнавали бўлиб ўтди. Ёшлар карнавалга катта тайёргарлик қўйди.

Мана, мактаб зали Янги йил ливосида. Ҳамманинг чехрасида табассум. Залда турли эртақ қаҳрамонларнинг кўраси. Ўқувчилардан тузилган жюри аъзолари карнавал катнашчилари ижросини диққат билан кузатмоқда. Чунки улар ушбу кечада район миқёсида ўтказилган карнавал учун энг яхши номерларни, бадий сўз усталари ва миниатюра ижрочиларини танлаб олишлари лозим.

Ўқувчиларда катта таассурот қолдирган карнавал кечаси жуда қизиқарли ва мароқли ўтди.

СУРАТДА: карнавал катнашчиларининг чиқиши.

ОЛИМПИАДА ЛАУРЕАТИ

Студентларнинг Бутуниттифоқ олимпиадасини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Уткир эҳли ёшларнинг бу йилги иккинчи имтиҳони «Студент ва илмий-техника тараққиёти» мавзуга бағишланди. Унинг «Экономика ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш» ихтисослигига бағишланган синининг якуновчи тури Тошкентда ўтказилди.

Бу олимпиадада мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларидан 70 дан ортиқ студент қатнашди. Шахсий мусобақада Халқлар дўстлиги ордени Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг аълочи студенти Е. Молодечкий ўзининг бой билими ва истеъдодини муваффақиятли намойиш этиб, иккинчи ўринни қўлга киритди. Ҳолбуки студент Бутуниттифоқ олимпиадаси лауреати нишони билан тақдирланди.

Яхши дам—меҳнатга ҳамдам

ЗАВҚЛИ ТАДБИРЛАР

Бадий буюмлар фабрикасида ишчиларнинг яхши дам олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши борасида намунали ишлар олиб борилаётди. Кутубхона, клуб ишлаб турибди. Рақс, ашула ва бошқа бир қанча тўғараклар ташкил этилган.

Ишчилар дам олиш кунлари дам олиш зонасида ҳордиқ чиқаришади. Ҳар оянинг бешинчи кунинда социалистик мусобақа якунлари бўйича ғолибларга бепул путевкалар берилади.

Ҳозиргача ишчилардан 110 киши турли санаторийларда дам олди ва туристик саёҳатларда бўлди. 210 киши эса республика миқёсининг турли шаҳарларида ҳордиқ чиқарди.

Корхонада Ҳамза номли драма, Муқимий номли музикали драма ва комедия театри артистлари, «Дуторчи қизлар» ансамбли билан учрашувлар, бадий кечалар ўтказилди.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

Биринчилик якунланди

«Юбилейний» марказий спорт залида фигурали учиш бўйича «Динамо» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон Советининг Ойчи биринчилиги низоҳисига етди. Бунда Москва, Ленинград, Харьков ва Тошкент шаҳарларининг ёш фигурачилари қатнашди. Спорт мастерилигига номзодлар программаси бўйича яхши ўқишда ўз мақоратини тўлиқ намойиш этган тошкентлик Лариса Верчик бош соврин соҳиб бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни ҳам тренер Олег Брусовнинг шогирдлари Д. Илина ва С. Огибаева-

лар эгаллашди. Спорт мастерилиги программаси бўйича беллашувда Саодат Нурматова харьковлик В. Нонгренкодан орда қолиб, иккинчи ўрин билан кифойланди. Спорт рақсларида харьковлик спорт мастерилиги Татьяна Кривошея ва Александр Воронинлар ғолиб чиқди. Тошкентлик Татьяна Жарская ва Дмитрий Майсковлар иккинчи ўринни қўлга киритди. Спорт мастерилигига номзодлар ўртасида эса Олиния Сирягуша ва Руслан Зангиновлар зафар кучишди. Совринли иккинчи ўрин ленинградлик фи-

гурачилар Алла Лазарева ва Владислав Владимировта насиб этди. Спорт жуфтликлари ўртасида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Валерий Тюковнинг шогирдлари спорт ва Алексей Сулеймановларга тенг келадиганлар бўлмади. Москвалик Ольга Хорупкина ва Антон Юшманов иккинчи ўрин билан қаноатланишди. Тошкентлик Юлия Бурда ва Валерий Прутскийлар спорт мастерилигига номзодлар ўртасида ҳурмат шоҳуспасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Камолот сари

Киров район ДОСААФ ташкилоти ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида нобратли тадбирларини амалга оширмоқда. Яқинда район ташкилотиде ҳисобот даврида қилинган ишларга якун ясади, келгусидеги режалар белгилаб олди.

Районда ҳарбий ватанпарварлик мавзусида 1400 лекция, 800 доклад, 2000 учрашув ўтказилди. Бу учрашувларда ёшлар Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, спортда шон-шўҳратга эришган кишилар, меҳнат партия ветеранлари билан яқиндан мулоқотда бўлди. Революцион ёшлар билан тарихий обидаларга бой шаҳарларга юздан ортиқ экскурсиялар уюштирилди. Жойларда жанговар шон-шўҳрат музейлари, эсдалик

бурчалари ташкил қилинди. Районда спорт ишлари сезиларли даражада жонлантирилди. Уч йилда 46722 киши ГТО талабларини бажарди. Ҳарбий хизматга кузатишган ёшлар ГТО нормаларини тоширган соғлом йигитлардир. Бундай тайёргарликларда 9, 70, 80, 220, 240 мактабларнинг коллективлари яхши натижаларга эришдилар. Районда ёшларнинг «Зарница», «Орлёнок» ҳарбий-спорт ўйналарига катта эътибор берилмоқда.

Район ДОСААФ ташкилоти ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишга ҳам жиддий эътибор бермоқда. Ҳатти уч йилда қўлга ҳайдовчи, 1308 хаваскор ҳайдовчи ва 200 дан зиёд мотоциклчи, қўлга радио-телевизор усталари тайёрланди.

лотларида ёшларга ҳарбий таълимдан сабоқ беришда, ёшларга техника асосларини ўргатишда ҳамон қатор камчиликлар мавжудлиги қайд қилиб ўтди. Шунингдек, Совет Армиясига кузатиладиган ёшлар бирор касбни ўрганиши, спорт разрядига эга бўлиши, рус тилини мутамал биллиши учун бошланғич таълимотлар ишнинг жонланганлигини конкрет тадбирлари белгилади.

Янги йилда район ДОСААФ ташкилоти ўз ишларини юқори савияга кўтарди. Бу партия ва ҳукуматимиз қарорларига амалий жавоб бўлади.

С. СУЛТОНОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗҚОБОВ.

РЕКЛАМА

ТЎЙДА РАҚС ВА
КУЙ-ҚЎШИҚ ТАНТАНА
ҚИЛИШИ УЧУНАВВАЛО, УНИ ЯХШИ ТАШКИЛ ЭТА БИЛИШ
КЕРАК. ВАҲОЛАНКИ БУ ОСОН ИШ ЭМАС.

Тўй ташвишлари ўзи етиб ортади, шундай бўлса-да, масаланинг ташкилий томонини ҳам ўйлаб қўришга тўғри келади. Агар ана шу маросим ташвишларининг катта бир қисминини қимир биров ўз зиммасига олса-чи? Бу биз учун жуда соз иш бўлардику-я! Бундай пайда илгари вақтимиз етишмаган бошқа майда-чуйда юмушларимиз билан машғул бўлардик. Аммо бу ташвишларни ким ўз бўйига олади?



АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДА БУ МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ. У ерда келин-куёвлар ва тўй маросимининг барча қатнашчилари учун «ТАНТАНАЛАР УЙИ» ОЧИЛДИ. Қўркам жиҳозланган зал, стол ва стуллар, идий-товоллар, ошхона ҳамда пазандалар тўй соҳиблари ихтиёрига бериб қўйилди. Эстрадининг чиқишида светомузика билан бошқарилади. Макур «ТАНТАНАЛАР УЙИ» гойда гўзал жиҳозланганлиги жиҳатидан республикамизда ягонадир.

Зални ижарага олувчиларга дастурхон ястиш учун зарур бўлган ҳамма озиқ-овқатларни олиб келиш руҳсат этилади. Тўй бошқарувчи ҳам хизматда бўлиб, маросимда ҳаммага бирдек қувонч бағишлайди.

Тўйлардан ташқари, ушбу залнинг динда тантанали кечалар, юбилейлар, зиёфатлар, дискотекаларни ва шу каби бошқа маросимларни ҳам ўтказиш мумкин. Зални шахсий кишилар, шунингдек ташкилотларнинг вакиллари ижарага олишлари мумкин.

«ТАНТАНАЛАР УЙИ» куниндаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Фарҳод кўчаси, 13-квартал (70, 75, 79-автобуслар; 17-трамвай; 13-троллейбуснинг «Маиший хизмат уйи» бекати (китоб мағазини қаршисида).


Справалар учун телефон: 0-65. Ушбу телефон орқали Сиз Тошкент шаҳридаги бошқа маиший хизмат корхоналари ниш ҳақида ҳам маълумотлар олишингиз мумкин.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ.

Танишинг— «Авто-комби»

ЯГОНА СТРАХОВАНИЕ ГУВОНМОСИ БУЙИЧА АВТОМОБИЛЬ, ҲАЙДОВЧИ ВА БАГАЖНИ Кўнгилли страхование қилдиришининг бу янги қоидалари 1986 йилнинг 1 январидан бошлаб амал қила бошлайди.

Автомобилни унинг ҳақиқий баҳоси миқдорида страхование қилдириш — шу ҳақда тузиладиган шартноманинг зарурий шарти ҳисобланади.



«АВТО-КОМБИ» страхование шартномасини тузиш билан сиз автомобилдан ташқари айна бир вағда: Ўзингизни ва Ҳайдовчи (мазкур автомобиль рулида ўтирган ва машинани бошқариш учун тегишли ҳуқуққа эга бўлган кишини) йўл транспорт ҳодисаси оқибатида қўрилган зарар учун ҳар қайсингизни 1000 сумданга: Багаж (буюмлар ва автомобилнинг қўлимча ускуналарини) — 500 сумга страхование қилдириш билан сизнинг афари, ёнинг, табиий офат ёки мазкур автомобилнинг ўғирлиги натижасида (олиб қочиш) оқибатида етказилган зарарингизга эмас, балки шу билан бирга автомобилнинг ўғирлиги натижасида, багажга тегишли ашё ва жиҳозларнинг ўғирлиги натижасида қўрилган зиён қийматининг тўлалигини ҳам қанолат берили.

«Авто-комби» шартномаси бир йил муддатга тузилади, агар тўлов миқдори 50 сумдан ошса, унинг муддати яна маълум бир вақтга узайтирилиши ҳам мумкин. Шартномани Гострахнинг ясалган инспекциясида, страхование қилдирувчининг яшаётган ёки иш жойида, шунингдек автомобиль турар жойида ёки давлат чакана савдо мағазинидан автомобиль харид қилиш пайтида (бундай вақтда шартнома автомобил харид қилинган кундан бошлаб қўлга киритиш) ҳам тузиш мумкин.

АВТОМОБИЛНИ ҚўШМА СТРАХОВАНИЕ ҚИЛДИРИШ ҲАҚИДАГИ ВАТАСИЛ МАЪЛУМОТНИ ГОСТРАХ ИНСПЕКЦИЯЛАРИДАН ОЛИШ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНING
ВОШ ВОШҚАРМАСИ. (телефон 33-33-27).«Союзторгеклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг
Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

«Ташлодоовош» бирлашмасининг Акмал Икромов район улгуржи-чакана савдо идораси 13-мағазинининг йўқолган ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор райпишчоторни 1-мағазинининг «Хлеб» ва «16-экспедитор» деб ёзилган йўқолган ТОВАР ШТАМПИЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ

ЦИРКИДА

25 январдан бошлалаб Совет цирки усталарининг катта ранг-баранг томошола-ри

(2 бўлимдан иборат) ТОМОШАЛАР соатат 19.30 да, шайба куйлари соатат 16.00 да, ақшанба к куйлари соат 13, 16, 19.00 дада бош-лашади.

Коллектив заявкालар қа-бул қилинмоқда.

Касса дам олиш в кунисиз соат 10.00 дан 20.00 га та-ча ишлайди.

Справалар учун те телефон-лар: 44-35-91, 44-28-04.

КИНО

6 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«КИШДА ПИШАР Р ОЛЧА»
Искра (16, 18, 20.00): телефон 39-11-76).

«САМРААТ» — Саъсанъат са-ройи (катта зал, 16, 18, 20.50, кичик зал, 17, 19.30: телефон 44-21-34, 4 44-21-44, 44-21-74). Чайка (16, 18, 20.45, телефон 77-06-20). Ну-кус (16, 18.30, 20.45, 5, телефон 46-70-69). Қозогистон и (17, 18, 20, 21.00; телефон 3: 35-24-92).

«БИТИМ» — Москва (19, 20.40; телефон 33-05-51). «ПАРОЛНИ ИККИ И КИШИ БИЛАДИ» — ВЛКСМ М 30 ил-лиги (жуфт соатларда, а, телефон 33-44-52).

«КЕЛИБ АЙТГАНЛАРИМ» — Восток (16, 18, 20.00.00; те-фон 91-14-61).

«УТА МАФТУНОКОР ВА ЕКИМЛИ» — Восток и (16, 18, 20.00; телефон 9 91-14-61), Дружба (жуфт ва тоқ н соатлар-да, телефон 66-15-75).

«ТОШЛОҚДА ҲААМ ДА-РАХТ ҲСАДИ» — М Мир (17, 20.00; телефон 91-65-5-84).

«ОТА УИДАГИ ФРОНТ» — Янгилар (17, 19, 2 20.45; те-лефон 96-36-21).

«ҚАРШИ ЗАРБА» — Ҳам-за номли (жуфт соатларда, те-лефон 91-10-51).

7 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«КИШДА ПИШАР Р ОЛЧА»
Искра (12.20, 14, 16, 1, 18, 20.00; телефон 39-11-76).

«САМРААТ» — Саъсанъат са-ройи (катта зал, 11, 1: 13.30, 16, 18.30, 20.50, кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-34, 44-21-44, 4 44-21-74). Чайка (11, 13.30, 16, 18, 20.45; телефон 77-06-20). Ну-кус (11, 13.30, 16, 18, 20.45; телефон 46-70-69). Қо-зогистон (12, 14, 15, 5, 17, 18, 20, 21.00; телефон 3535-24-91).

«БИТИМ» — Москва (11, 19, 20.40; телефон 3: 33-05-01). «ПАРОЛНИ ИККИ И КИШИ БИЛАДИ» — ВЛКСМ М 30 ил-лиги (жуфт соатларда, а, телефон 33-44-52).

«КЕЛИБ АЙТГАНЛАРИМ» — Восток (12, 14, 16, 1, 18, 20.00; телефон 91-14-61).

«УТА МАФТУНОКОР ВА ЕКИМЛИ» — Дружба (а (жуфт ва тоқ соатларда: телефон 66-15-75).

«ТОШЛОҚДА ҲААМ ДА-РАХТ ҲСАДИ» — М Мир (11, 14, 17, 20.00; телефон 91-65-84).

«ОТА УИДАГИ ФРОНТ» — Янгилар (11.30, 1, 13, 15, 17, 19, 20.45; телефон 96-36-21).

«ҚАРШИ ЗАРБА» — Ҳам-за номли (жуфт соатларда, те-лефон 91-10-51).

«БУРЕВЕСТНИК»

СПОРТ КОМПЛЕКСИ
(11-5 кварталли)
РИТМИК ГИМНАСТИКА
ГРУППАЛАРИГА
ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
РЎЙХАТГА ОЛИНИШ ҲАР
КУНИ СОАТ 15.00 О ДАН
18.00 ГАЧА СПОРТ КОМП-
ЛЕКСИНING ИМБИДИ
НА КАВИНЕТИДА ЎТҚА-
ЗИЛАДИ.

Машгулотлар — группалар
тўлишга қараб бошланади.

Тошкент социал та таъминот
техникуми насабо союзои коми-
тетининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР 1 Қишлоқ
ҳўжалик министрлигини рес-
публика куриллш-монгаж
трестининг Тошкент 1-қўна-
ли хисобидеги берилган: ГТ—1
3906263, ГТ—1 3 3906264,
ГТ—1 3906265, ГТ—1
3906266, ГТ—1 3 3906267,
ГТ—1 3906268, ГТ—1
3906269, ГТ—1, 3 3906270,
ГТ—1 3906271, ГТ—1
3973266, ГТ—1 3 3973267,
ГТ—1 3973268, ГТ—1
3973269, ГТ—1 3 3973272,
ГТ—1 3973273, ГТ—1
3973274, ГТ—1 3973275

мерлардан меҳнат дадафтарча-
ларининг йўқолган
ТОЗА ВЛАНКАЛАРИ
ҳамда ГТ—1 0294673, ГТ—1
0294675, ГТ—1 0294676,
ГТ—1 0294678, ГТ—1
0294679 номерлардаги меҳ-
нат дафтарчаларининг йўқол-
ган

ВКЛАДИШЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТВ

СЕШАНБА, 7. I

МТ I

9.00 «Время».
9.45 Телевизион ҳужжатли фи-
льмлар:
«Физкульт-урал» (Новосибирск),
«Мовий тоғлар эстадида» (Вле-
дивосток).
10.10 Р. Леонкаваллонинг «Пая-
лар» операси.
11.25 «Оловий шар» операцисини.
Телевизион бадий фильм:
«Шафқатсиз фронт» сериясидан.
12.20 Янгилар. * * *

15.55 «Скрипканинг садоси».
Фильм-концерт премьераси
(Кишинёв).
16.20 «Билимимиз — қудратимиз».
Телевизион журнал.
16.55 Кампучия Халқ Республика-
сининг миллий байрамига. «Кам-
пучия янги ҳаёт қўрмоқда».
Ҳужжатли фильм премьераси.
17.35 «Жура» — минархарлик ов-
чи. Олти серияли телевизион
бадий фильм премьераси. 2-
серия.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Чакмоқ султонлари». Муль-
типликацион фильм премьераси.
19.40 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛ-
ДИДАН. ЛИТВА ССР ТЕЛЕВИДЕ-
НИЕСИНING ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича халқро ўр-
тоқлик учрашуви. «Бостон Брю-
инз» (АҚШ) — «Динамо» (Мос-
ква) 3-давр. АҚШдан олиб кўр-
сатилади.
22.40 Фигуралли учиш бўйича

СССР чемпионати. Жуфт бўлиб
учиш. Ленинграддан олиб кўр-
сатилади.
23.25 «Билимиз буйлаб саёҳат».
«Кўхна Кремль деворлари ёни-
да». Телевизион ҳужжатли фи-
льм.
23.45 «Дунё воқеалари».
* * * МТ II
9.00 Эрталик гимнастика.
9.15 «Зодиак доирасида». Ил-
мий-оммобол фильм.
9.35 «Ҳамкишлар». Бадий
фильм.
11.00 «Будильник».
11.30 Вoleyбол бўйича СССР че-
мпониати. Эрекарлар. «Автомоби-
лист» (Ленинград) — МАСК.
Одессадан олиб кўрсатилади.
12.00 «Қор тегирмони». Мульти-
пликацион фильм.
12.20 «Шахмат мактаби».
12.50 «Хоккей учун». Болалар
учун телевизион бадий фильм
премьераси. 2-серия.
13.55 Француз тили.
14.25 «Ихорск эпоси». Фильм-
концерт премьераси (Таллин).

15.00 РОСТОВ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
СТУДИЯСИНING ПРОГРАМ-
МАСИ.
15.50 Чана спорт бўйича жаҳон
кубоги. ГДРдан олиб кўрсати-
лади.
16.20 Янгилар. * * *
18.30 Янгилар.
18.45 «... 16 ышгача ва ундан кат-
тарлар».
19.30 «Музыкали киоск».
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тўнғиз хайрли бўлсин,
кичикитойлар». «Букри той-
чок». Мультипликацион фильм.
3-кўрсатув.
20.45 «Танзиля». Телевизион ҳуж-
жатли фильм.
20.55 Хоккей бўйича халқро ўр-
тоқлик учрашуви: «Бостон Брю-
инз» (АҚШ) — «Динамо» (Мо-
сква) 2- давр. АҚШдан олиб
кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Номсиз юлдуз». Телевизи-
он бадий фильм. 1-серия
(Свердловск киностудияси).

● УэТВ I
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тоғги тароналари».
8.00 «Пионер телеяйли».
8.10 «Мушур Вася билан овда
бўлган воқеалар ҳақида»
Мультифильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Советлар билан ўтган умр».
Телефильм.
9.00 Москва. «Время».
9.40 В. И. Ленин номи республи-
ка пионер ва ўқувчилар са-
ройи бадий коллективларининг
юбилей концерти. * * *

20.30 «Ахборот».
20.50 «Саволларингизга жавоб бе-
ради». Телеоммобинларнинг
саволларига Ўзбекистон ССР
Социал таъминот министрлиги-
нинг масъл ходимлари жавоб
берадилар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ўзундан узок иш». Бадий
фильм.
23.30 «Бугун оламда нима гап!»
Халқро аҳвол кундалиги.
● УэТВ II
9.00 —16.25 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Информатика ва ҳисоблаш
техникаси асослари. Алгоритм-
лар. Катталиклар билан ишлаш.
2-кўрсатув (рус.).
18.40 Мактаб ўқувчилари учун.
«Светофор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ҳаётимиз программаси».
КПССнинг программ ҳужжат-
ларини муҳофаза қилиш.
19.55 Ўзбекистон телевидениеси
ва радиоси Уйғур ансамблининг
концерти.